

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ  
ХАБАРНОМАСИ**

**5 (83) 2020**



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ  
УЗБЕКИСТАНА**

**5 (83) 2020**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN  
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

# ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрел  
ойида ташкил топган

Бир йилда 6 марта  
чоп этилади

Тошкент

№ 5 (83) 2020.

## МУНДАРИЖА

### Зоотехния ва ветеринария

Курбанов И. Хоразм вилояти шароитида тутни қаламчасидан кўпайтириш ва навдор кўчатлар етишириш истиқболлари.....	6
Мавланов С.И., Холов Ш. Ҳайвонлар эктопаразитлари.....	10

### Пахтачилик

Мамедова Ф.Ф., Тураев О.С. <sup>1</sup> , Хусенов Н.Н., Нормаматов И.С., Алиходжаева С.С., Буриев З.Т. Рангили толали гўза линиялари тола сифатини статистик баҳолаш.....	15
Дурдиев Н., Фонпоров Ф., Асракулов А. Суғориш тартиблари ва минерал ўғит меъёларининг гўзани ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.....	17
Холмуродова М.М., Хошимов С.Қ., Бойқобилов У.А., Нормаматов И.С., Тураев О.С., Кушанов Ф.Н. Fўзада ўзаро ижобий корреляцияга эга айрим морфологик белгиларнинг сув танқислиги мухитидаги статистик таҳлили..	20

### Агрономијёт

Файзиев А.А., Кушаров З.К. Самарқанд вилоятида гўшт етишириш динамикасининг статистик таҳлили.....	25
Мўминов Б.О. Фермер хўжаликлари капиталлашувини баҳолашнинг муҳим ёндашувлари.....	29

### Ўсимликшунослик

Абитов И., Тешаев Ф. Дефоляция ўтказишнинг соя ҳосилдорлигига таъсири.....	33
Бегматова М. Ҳ. Далаҷой ( <i>Hypericum perforatum</i> ) уругининг униб чиқишига экиш муддатлари ва чукурлигининг таъсири.....	35
Атабаева Х.Н., Умарова Н.С., Хайруллаев С. Ш. Ўтлости ботқоқ-тупроклар шароитида олтингургтни баргга суспензия қилиш орқали соя ҳосилдорлигини шакллантириш.....	38
Ходжаева З. Ф., Тошов Ҳ.М., Шамсиев Н.А., Раупова М.Ҳ. Девхона кўли гидробионтлари - табиий озука манбай сифатида.....	41
Халилова Л.Н. Нурбеков А.И. Кузги буғдойнинг янги навларининг тупланиши ва ҳосилдорлик хусусиятлари..	44
Б.Ҳ.Кулдошов, Н.Халилов, А.Ҳ.Ҳамзев. Янги инокулянтларнинг соя навлари хусусиятларига боғлиқ ҳолда самарадорлиги.....	47

### Ўрмончилик

Хакимова М.Ҳ., Ғуломхаджаева Ш.Ф. Оқ қайнин ( <i>Betula pendula</i> ) ва уни манзарали боғдорчиликдаги урни.....	51
Ахмедов Э.Т., Тоштемиров И. Нъыматак ( <i>Rosa canina</i> l.) плантациялари қатор оралигига қалампир (доривор) ялпиз ( <i>mentha piperita</i> l.) ўсимлигининг ўсиш ва ривожланиши хусусиятлари.....	54
Ҳамроев Ҳ.Ф., Райимов Б.Н. Ўзбекистон жанубидаги дўланазорларнинг ҳолати ва табиий тикланиш кўрсаткичлари.....	57

### Селекция, генетика ва ургучилик

Ғайбуллаев Ф.С., Болбеков М.А., Туйгунов Р.Б. Юмшоқ буғдой селекцияси учун бошланғич аъшё яратиш.....	60
Туйгунов Р.Б., Ғайбуллаев Ф.С., Болбеков М.А. Самарқанд вилоятида кузги арпа коллекциясини ўрганиш.....	61
Дадажонов Ж.Р., Алиқулов Э.О., Эргашев О.Р. Fўзанинг <i>g.hirsutum</i> l. турига мансуб тизма ва навларда айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг таҳлиллари.....	64
Алиқулов Э.О., Шеримбетов А.Г., Эргашев О.Р. Патоген <i>fusarium oxysporum</i> f.sp. <i>vasinfectum</i> замбуруғларини гўза навларига таъсирининг баргларда намоён бўлиши.....	66
Қаюмов У.К., Автономов В.А., Ходжанов Ш., Юнусалиев Б.М. Ғузанинг <i>G.barbadense</i> L. туридаги навлараро F <sub>1</sub> дурагайларида “ўсимликдаги моноподиал усув шохи сони” белгисининг ирсийланиши.....	68
Курбонов А.Ё., Қаюмов У.К., Автономов В.А. Fўзанинг <i>G.hirsutum</i> L. туридаги истиқболли селекция аҳамиятига эга булган мураккаб ва жуфтлашган тизмалараро дурагай комбинациясининг “ўсимлик баландлиги, 31.08.2019 й.” белгисининг ўзгарувчанлиги.....	70
Эргашев О.Р. Fўзанинг <i>g.hirsutum</i> l. тури янги навида хўжалик белгиларининг шаклланиши ва барқарорлашуви.....	73
Тангирова Г.Н., Холмуродова Г.Р. Соя селекциясида интрогрессив корея коллекцияси нав-намуналаридан фойдаланиш.....	76

### Тупроқшунослик ва агрокимё

Аскарходжаева А.Н., Эргашева О., Пахрадинова Н.С. Қаттиқ маший чиқиндишларни вермикультивация услуби асосида конверсия килишининг мақбул йулларини ўрганиш.....	81
Хасанова Ф.М., Карабаев И.Т., Маъруфханов Ҳ.М. Экинларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда	

хосилдорлигига ерга турли усулда ишлов бериши таъсири.....	84
Разаков А.М. Қорақалпогистон республикаси устюрт платосидаги тупрок копламлари тузилиши ва эволюцияси.....	87
Камилов Б. С., Ходжимуродова Н. Р. Бухоро тумани сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларининг гумус таркиби.....	93
Джаббаров З.А. Органик ва минерал ўғитлар бериши мебъёрларининг беҳи пайвандтаг типлари ер устки қисмининг ўсиши ва илдиз тизимига таъсири.....	96
Ш.Н.Нурматов, А.Рахимов. Ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий экинлар ва органо-маъдан компостларни тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири.....	99
<b>Мевачилик ва сабзавотчилик</b>	
Низомов Р.А., Хушвактов Н. Ж. Иситилмайдиган иссикхона шароитида аччиқ қалампирни мақбул экиш схемаларини ўрганиш.....	103
Исломов Ф., Нарматов С., Шокиров А. Такрорий экинда пиёз етишириш.....	106
Низомов Р.А., Йброҳимов Б.А. Турли экиш схемаларида бамия хосилдорлиги ва мева таркибидаги биокимёвий моддаларнинг ўзгариши.....	109
Файзиев Ж. Н., Файзиев А.А., Фарходов А.А. Узум ҳосилдорлигини динамик катор ёрдамида прогноз қилиш.....	112
Сафаров А.А., Шарипов С.Я. Сабзавотларни инновацион технологияларда (куёш-батареяли курилмада) куритишнинг муҳим ўрни.....	116
Бобомуродов Ш. М., Баходиров З.А., Ниязметов У.Х., Қаршибоев Х.Ш. Географик ахборот тизими технологияларидан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг афзалликлари.....	119
Шарипов С.Я., Абдуллаев Б.Н., Фанива Д.М. Сабзавотларни инновацион технологияларда (куёш-батареяли курилмада) куритишнинг муҳим ўрни.....	123
Убайдуллаев С., Таджиева М. Токнинг асосий зааркунандалари ва уларга қарши самарали кимёвий воситалар.....	125
Болтаев М.А., Мисиров Ш.Х., Пардаев Ж.Ж. Ёзги экиш муддатларда экиш учун яроқли бўлган брокколи дуррагайларини танлаш.....	130
Абдиқаюмов З.А., Юлчиева Д.Т. Вегетатив йўл билан кўпаявчи гиолос пайвандтагияшил қаламчаларининг илдиз олувчанлигига, уларни тайёрлаш муддати ва новда қисмининг таъсири.....	132
<b>Қишлоқ хўжалигига механизациялаш ва электрификациялаш</b>	
Боқиев А.А., Нуралиева Н.А., Тошматов С.А. Қишлоқ хўжалик mobil техника воситаларини электр ва ярим занжирли юритмага ўтказиш истиқболлари.....	136
Аширбеков И.А., Омонов Д.С. Янги кўп функционалли агрегатнинг технологик параметрларини асослаш.....	140
Худаяров Б.М., Кузиев У.Т., Худайқулов Р.Ф. Боғ дараҳтлари илдиз тизимига суюлтирилган ўйтни куядиган ишчи қисмининг судраша қаршилиги.....	143
Халиқназаров Ҳ.А., Турсунов А.М., Диникулов Д.У. Тут ипак қурти ғумбагини жонсизлантиришнинг электротехнологик усуллари.....	148
<b>Ўсимликларни химоя қилиш</b>	
Зияев Р., Мухидова З., Зокиров С. <i>Verbascum Songoricum</i> ўсимлигининг биологик фаол бирикмалари.....	152
Гозибеков А.С., Жумаев Р.А. Тухумхўр <i>Ooenecyrtus Kuvanae</i> биоэкологияси ва унинг тенгсиз ипакчи ( <i>Ocneria Dispar</i> I) га қарши биологик самарадорлиги.....	155
Алиқулов Э.О., Шеримбетов А.Г., Эргашев О.Р. Патоген <i>Fusarium Oxyysporum</i> f.sp. <i>Vasinfectum</i> замбуруғларини фўза навларига таъсирининг баргларда намоён бўлиши.....	158
Ахмедов Х.А., Нарбаев З. Н. Кечки сабзи экилган далалардаги бегона ўтларнинг турлари ва сони.....	160
Мухаммадиев Б.Қ., Х.Н.Сулаймонов , Файзуллаева М.Б., Исламов А.М. Аччиқ қалампир- <i>Capsicum Annuum L.</i> етишириш ва уларни зарарли организмлардан химоя қилиш.....	162
Жумаев Р.А., Абдувосикова Л.А. <i>Lepidoptera</i> туркумининг асосий вакилларини Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий ҳудуди фаунаси, экологияси ва уларнинг самарали паразит-энтомофаг турлари.....	166
Зупарова Д.М., Аблазова М.М. Фўзанинг вилт касаллигига қарши триходерма замбуруғининг антагонистик хусусиятларига эга штаммларини танлаб олиш.....	173
Кожевникова А.Г. <i>Psamoterix striatus</i> (l) va unting tashxisi .....	175
Абдувосикова Л.А., Жумаев Р.А. <i>Lepidoptera</i> туркумининг паразит (нүтепортера) энтомофаг турлари.....	178
Мухаммадиев Б.Қ., Рузикулов Д. Н., Курбанмуратов Б.Б. Целлюлолитик ферментлар продукенти <i>Trichoderma Harzianum-10</i> замбуруғидан УБ мутантлар олиш.....	181
Ахмедов Э.Т., Тоштемиров И. Қалампир (доривор) ялпиз ( <i>mentha piperita l.</i> ) ўсимлигининг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари.....	185
Насиров Б.С., Шадманов М., Рӯзиев А.А., Камолова Н.Н. Пивот, 10% с.э.к гербицидини сабзи даласидаги <i>C. Campestris</i> га қарши самарадорлиги .....	189
Ризаев Д.М., Шеримбетов С.Г., Назирова И.Р. Чўл ҳудудида ўсуҷчи ксерофит ўсимликлардаги абиотик стрессларга жавоб берувчи генларнинг ўрганилиши хусусида.....	191
Содикова Г.С., Аллаяров X. Турли ётқизикларда шаклланган типик бўз тупроқлар морфогенетик кўрсаткичлари ва уларга эрозия жараёнларининг таъсири.....	193

<b>Дехқончилик ва мелиорация</b>	
Сайимбетов А., Тошпўлатов Ч.В. Тупроқ хоссалари ва ёзга ҳосилдорлигига компостларни қўллашнинг таъсiri.....	197
Чаршанбиев У.Ю., Ганиев С.Э., Пулатов А.А. Ёзга майдонларида учрайдиган бегона ўтларга қарши кимёвий курашиб тадбирлари.....	200
<b>Муаммолар. Мухокамалар. Фактлар</b>	
Ибраилов И.А., Абдурайимов Т.Д. Ўзбекистонда кишлок туризмининг ижтимоий-иктисодий ахамияти ва ривожлантириш истиқболлари.....	204
Холмирзаева С. Тўлепберген Қайипбергенов - қоракалпок халқининг йирик адаби.....	206
Otamurodova S.A. O'qitish va o'rganishda so'z boyligini takomillashtirishning afzal usullari.....	209
<b>Кисқа ахборотлар</b>	
Нарматов С., Шокиров А. Такрорий экин сифатида пиёз кўччатларини энг қулай экиш муддатларини аниклаш.....	213
Исламов А., Тоштемиров И. Эфир мойи олиш тарихи ва таркибида эфир мойлари бўлган доривор ўсимликлар <i>Artemisia Leucodes schrenk.</i> ўсимлигидан эфир мойи ажратиб олиш усули.....	216
Сагдиев М.Т., Омонликов А., Аманова М. Стимуляторларнинг оқбош қарам ҳосилдорлиги ва сифатига таъсiri.....	218

билин вегетатив озиқлантириш ўсимликларнинг яхши ўсишини, ривожланишини таъминлайди, барг юзасини шаклланишини фаоллаштиради, соя ўсимлигининг симбиотик фаолиятини оширади, дон ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради ва унинг сифатини яхшилади.

**Таянч сўзлар:** Соя, баргдан озиқлантириши, ўғитлаш, олтингугурт, меъёрлар, ўсиш, ривожланиш, барг юзаси, туганаклар сони.

**Atabayeva Khalima Nazarovna, Umarova Nigora Sadridinovna, Khayrullayev Sardor Shamsiddin ugli**  
**Formation of soybean yield with foliar application of sulfur in the conditions of meadow-swampy soils**

The research revealed the influence of vegetative feeding with sulfur on the background of mineral fertilizers on the formation of the grain yield of soybeans in the conditions of meadow-swampy soils of Tashkent region. It has been established that vegetative fertilization with sulfur ensures better plant growth, branching, activates the formation of leaf area, symbiotic activity of soybeans, promotes an increase in grain yield and improves its quality.

**Keywords:** Soybean, foliar application, nutrition, sulfur, norms, growth, development, leaf area, number of tubers.

УДК 574.2

ХОДЖАЕВА З. Ф., ТОШОВ Ҳ.М., ШАМСИЕВ Н.А., РАУПОВА М.Х.

**ДЕВХОНА КЎЛИ ГИДРОБИОНТЛАРИ - ТАБИЙ ОЗУҚА МАНБАИ СИФАТИДА**

Ушбу мақолада Бухоро вилояти Девхона кўлнинг географик жойлашуви, юксак сув ўсимликлар ва зоопланктон тур таркиби ва уларнинг тарқалиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар натижасида кўлнинг захираси 177.62млн м<sup>3</sup>дан иборат эканлиги ва ўртача чукурлиги 15-17 м, максимал чукурлиги 30 – 38 м эканлиги иланланган.

**Калит сўзлар:** коллектор, биоценоз, садок, гидробионт, юксак сув ўсимликлари, қўёга, зоопланктон.

Бугунги кунда худудларда ховуз балиқчилик хўжаликларининг ташкил этилиши кенг йўлга кўйилмоқда. Бундай хўжаликлар ховузларida саноатбоб балиқларнинг 10 га якін тури сунъий шароитда кўпайтирилмоқда ва парвариш этилмоқда. Ховузларда балиқларнинг хўжаликларда ихтисослаштирилганлик йўналишига караб личинкаликдан бошлаб, 3 ёшгача парвариш этилмоқда. Бунда ховузларда мунтазам сув таркиби ва сатҳи назоратда бўлади, яъни хўжалик ховузларига сув куйилиб, оқизиб турилади. Вилоятимиз худудида бундай балиқчилик хўжаликлар ҳар бир туманда, ташкил этилган. Ушбу сув ҳавзаларнинг ташкил этилаётганлиги балиқчилик билан бир қаторда худудда сув ва суволди қушларининг сон ва тур таркиби жиҳатидан ортиб боришига олиб келмоқда.

Айни вактда республикамизнинг марказий қисмида жойлашган (сугориладиган экин далалари майдонининг кенгайтириш оқибатида) худудларда ер ости сизот сувларининг сатҳи йиллар давомида ошиб бориб, натижада жойларда оқова ва зах сувлар ҳисобидан янги-янги сув ҳавзалар шаклланмоқда, сув ҳавзаларининг майдони кенгайиб худуднинг табиий экологик шароити тубдан ўзгариши холлари кузатилмоқда. Бундай ўзгаришлар айниқса, республикамизнинг Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Жizzах вилоятларида яққол кўзга ташланмоқда.

**КИРИШ**

Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг жанубий-гарбидаги жойлашган бўлиб, асосий сув таъминоти Аму-Бухоро канали ҳисобланади. Бухоро вилоятидаги коллектор сувлари ерларни сугориш ва шўр ювиш натижасида ҳосил бўлиб, тупроқ шўрлик даражасини камайтириш, кишлек хўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини кондириш учун Амударё суви ишлатилади. Сугориш жараёни, шўр ювиш натижасида катта миқдорда сизот сувлари ҳосил бўлади. Бу сувларнинг йиғилишидан ҳосил бўлган сунъий кўллар (Денгиз-кўл, Қоракир, Оёқ-Оғитма, Ҳадича, Девхона, Зикри, Тузкон, Замонбобо) нинг пайдо бўлиши худудда сув биоценозининг такомилланиши ва қайта шаклланишига олиб келди. [1]

Республикамиздаги ташкил этилган балиқчилик хўжаликлари ховузлари ўтган киска вакт мобайнинда ахолини балиқ махсулотларига бўлган эҳтиёжини кондиришга маҳим аҳамиятга эга бўлаётганлиги билан бир қаторда худудда сув ва сув олди қушлар ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган макон сифатида шаклланмоқда.

Мазкур кўллар орасидан эгаллаган майдонининг очик сув майдони катталиги ва гидробионтлар сони (зоопланктон тур таркиби) кўплиги жиҳатидан Девхона кўли алоҳида ўрин эгаллайди.

**ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

Тадқиқот ишлари олиб борилган обьект Бухоро

вилояти Девхона кўли ва унинг зоопланктон турларини аниқлаш ҳисобланади. Кўлнинг экологияси ва гидробиологиясини аниқлашда “Бухоро воҳаси табиий сувликлари - яйлов аквакультурасида садок усулида интенсив балик бокиши” бўйича методик тавсиялар кўлланмасидан фойдаланилди[1]. Сувнинг таркиби ва гидробионтларни ўрганишда “Аналитическая химия промышленных сточных вод”[2] маълумотларидан фойдаланилди. Зооплактон намуналари Джеди тўри ёрдамида ийғилди.(газ №46). Намуналар 4 % формалин билан ўз дала шароитида фиксация килинди. Зооплактон намуналари Зоопланктон турларини аниқлашда “Определитель зоопланктона и зообентоса пресных вод Европейской России”[3].

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ:

Девхона кўли ва унинг зоопланктон турларини аниқлаш тадқиқотлари 2017 – 2019 йилларда олиб борилди.

Девхона кўли Бухоро вилояти Коровулбозор туманинда жойлашган.

Координаталар: 39° 11'Н 64° 39'Э

Баландлик : 251м

Майдони 1700 гектарни ташкил қиласи. Унинг сув захираси 765 млн м<sup>3</sup>дан иборат. Ўртacha чуқурлиги 15-17 м, максимал чуқурлиги 30 – 38 м. Сув олиш манбаси Қарши марказий коллектори ва Коровулбозор марказий канали ҳисобланади

Девхона кўлининг баҳор, ёз, куз ойлари мавсумида намуналар ийғиш жараёнида сувда эриган кислород миқдори ҳам аниқланган. Сувда эриган кислород миқдори - 6,4 мг/л ёки 91,4% тўйинган. Кучли шамолнинг бўлиши бунга сабаб бўлади. (Шамолнинг эсиши 5- 7м/сек март ойи.). Март ойида (24.03.18) олинган натижаларга кўра Девхона кўлининг ҳарорати соат 11:00 да 17 °С ни ташкил қилди. Сув ҳарорати эса 12 °С ни ташкил қилди. Сув ҳарорати ҳар 3 соат оралиғида олинди. Ёз мавсумидаги ҳарорат (8.07.18) Девхона кўлининг ҳарорати соат 10:15 да 35 °С ни ташкил қилди. Сув ҳарорати эса 24 °С ни ташкил қилди. Сув ҳарорати ҳар 3 соат оралиғида олинди. Кўлининг ҳарорати соат 13:15 да 38 °С ни ташкил қилди. Сув ҳарорати эса 26 °С ни ташкил қилди. Миқдори – 8.0 ни ташкил қилишини аниқлаганмиз. Сув тиниқлигини белгиловчи омил бу – сувдаги муаллак моддалар, асосан, плейстон, планктон, детрит заррачалари ҳисобланади. Сув тиниқлиги мавсумий характеристерга эга. Девхона кўлида сувда энг юкори тиниқлик қиши фаслида 1,8-2 метр, энг паст тиниқлик ёз ва кузда 100-120 см, 2 м айниқса фавворалар ишлаганда тиниқлик пасаяди 50-60 см гача. Сув тиниқлиги баҳор фаслида 70-80 см, ёзда 80-90 см, кузда ҳам 60-70 см, қишида 100-110 см, сабаб сув алмашинмайди. Сув тўри *Gidrodictyonsp*, *Spirogirasp*, *Clodophora* учрайди. Бусув ўтлари куз фаслида сув саёзлашганда чуқурлиги 0,5-0,8 метр бўлади.

Кўлнинг қирғокларидан 5 метр чукурликкача бўлган майдонларида турли юксак ўсимликлар ўсади. Шу даврга қадар мазкур ўсимликлар рўйхати тузилиб, систематик таҳлили келтирилмаган. Натижада ўсимлик турлари бўйича айрим чалкашликлар учраб туради.

Чунки табиий сув ҳавзаларида ўтхўр баликларнинг озиқланиши учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Девхона сув ҳавзаси қирғокларида 3- 5 метр чукурликкача бўлган ҳудуддаги ва сув бўйи юксак ўсимлик турлари ўрганилган. Кўлда асосан қамиш ва кўға турлари доминантлик қилганлигини кўриши мумкин. Девхона кўлида юксак сув ўсимликларининг 21 оиласига мансуб 45 тур учраши аниқланган.[4] Ўрганилган бу турлар кўлнинг зоопланктонларини ўрганишда, кўлда гидробиологик тадқиқотлар олиб боришда муҳим асос бўлиб хизмат қиласи. Чукур кўллар қаторига кирувчи бу сув ҳавзасида қушлар жуда кам учрайди, сув секин исийди. Девхона кўли вилоятнинг жанубида жойлашган бўлса ҳам, нерест июл - август ойигача давом этади. Сабаби кўл тўлиқ пелагиал зонадан иборат, литорал зона яхши шаклланмаган. Шу муносабат билан вилоятдаги табиий кўллар сувининг исишига қараб ҳамда географик ўрнига қараб нерест муддатини белгилаш мумкин. Барча балиқ чавоклари таоген озиқланишга ўтиши билан содда ҳайвонлар, сўнгра зооплактон билан озиқланишга ўтадилар. Демак, зооплактон балиқ ҳаётини учун энг зарур бўлган озука обекти ҳисобланади.

Зооплактоннинг миқдори етарли даражада бўлмаса балиқ чавоклари ривожланмай қолади. Кўйидаги балиқ турлари: чипор дўнгпешана, пеляд, катта оғизли буффало умрининг охиригача зооплактон билан озиқланади. Шунинг учун ҳам сув ҳавзасидаги зооплактон махсулдорлигидан фойдаланиш учун чипор дўнгпешана сеголеткалари билан балиқлаштириш максадга мувофиқ. Зооплактон биомассаси ва махсулдорлигига қараб, катта оғизли буффалони иқлимлаштируши бўлади. Чунки буффало ўзининг сифатли гўшт махсулоти билан чипор дўнгпешанадан кескин фарқ қиласи.

Намуна олиш усули сув олинаётган обект (кўл, сув омбори, оқова сувлари ва бошқалар) нинг турига, унинг чуқурлигига, ҳажмига боғлиқ. Секин сув алмашуви (кўллар, сув омборлари) бўлган йирик ва ўрта кўллардаги сув ҳавзаларида (кўллар, сув омборлари) зооплактоннинг намуналари, Джеди тўрининг сифати жиҳатидан Джеди тўри билан бирга, чуқурлиги 3 - 4 мдан ошмаган саёз сув ҳавзаларида (кўллар, кичик ўрмон кўллари, лагунлар) умумийдир. Зооплактон намуналари Джеди тўри ёрдамида терилид(газ №46). Намуналар 4 % формалин билан ўз ўрнида фиксация килинди. Формалин чўкма бўлмаслиги керак. Намуналарни иссиқ жойларда сақлаб бўлмайди, зооплактон намуналари спиртли ҳолатда бо'лади. Стаканда бунинг учун сув миқдори 96% этил спирти концентратсияси 70 % га туширилади. Ҳар бир зооплактон намунаси диккат билан этикетланиши ва маҳсус журнал ёки дала журналида сақланиши керак. Кузатишлар барча биологик мавсумларни ўзичига олиши керак. Зооплактоннинг тур таркиби ва миқдорий ривожланиш даражаси сезиларли ўзгаришларга эга бўлганлиги сабабли, зооплактонлар гурухининг таҳлили асосида ифлосланишнинг таъсирини ўрганиш

натижасида 1 марта киш, баҳор ва куз даврларида ва ёзда уч марта намуналар олиш мумкин.

Девхона кўлидан ихтиоологик ва гидробиологик тадқиқот натижаларини олиш 2017- 2019 – йилларга тўғри келиб, бунда асосан март – апрельйларидан бошлаб, сентябр – октябр ойларигача учта мавсумни камраб олган вақтда олинди ва амалий натижалар лаборатория шароитида кўриб чиқилган. Тадқиқотлар олиб бориш натижасида 2017 – 2018 йилнинг баҳор, ёз, куз ойларида 120дан ортиқ намуналар йигилди. 2018 – 2019 йилнинг баҳор, ёз, куз ойларида 40дан ортиқ намуналар йигилди.

Балиқнинг табиий озука базаси бўлиб, сув ҳавзасидаги балиқ истеъмол қиласидаги барча ўсимлик ва ҳайвон организми хисобланади. Балиқчилик ховуз хўжалигига қарашли сувликларнинг табиий озука базасини баҳолаш учун турли хилдаги намуналар йигилди.

Зоопланктон сувда муаллақ тарқалган бўлиб, у асосан тубан қисқичбақасимон вакилларидан: куракоёклилар — *Soperoda*, шоҳдор мўйловли — *Cladocera* ва — оғиз айланчиллар *Ratatoria* дан иборат. Буларнинг доминант турларидан *Diaphanasoma brachynrum*, *Daphnia longispina*, *Ceriodaphnia reticulata*, *Moina rectirostris*, *Chydorus sphaericus*, *Acanthodiaptomus salinus*, *Cyclops vicinus*, *Mesocyclops crassus*, *Brachionus angularis*, *Keratella quadrata* ва бошқалар. Буларнинг микдори, биомассаси ва маҳсулорлигини аниқлаб, сўнгра қанча микдорда чипор дўнгпешана ёки катта оғизли буффало сеголеткалари билан балиқлаштириши режалаштирилади.

Зоопланктонлар ичида энг содда вакилларидан бири қисқичбақасимонлардир. Чучук сув ҳавзаларида яшайдиганлар орасида бу гурух ичида эшкак оёқлилар ва шоҳдор мўйловчи қисқичбақасимонлар алоҳида аҳамиятга эга. Эшкак оёқли қисқичбақалардан энг кўп тарқалган вакилларидан циклоплар ва диаптомусларни мисол қилиб олсан бўлади. Уларнинг сув муҳитига мослашиш белгиларидан энг муҳимлари ҳаракатланишидир, улар танасининг кўкрагида жойлашган бир неча жуфт оёқлар ёрдамида ҳаракатланишини кузатишмиз мумкин. Зоопланктонларни яна бир вакили шоҳдор мўйловли мўйловдориқисқичбақалар (*Daphnia*) нинг ҳаракатланиши эса тананинг бош қисмida жойлашган мўйловлари ва уларни шоҳчалари бўлиб, улар сувда

бургага ўхшаш ҳаракатни вужудгакелтиради. Бунга сабаб уларнинг мўйловларидаги туклар сузиш даврида таянч бўлишидадир. Сув муҳитини кузатишлар шуни кўрсатадики содда кўринган буқискичбақасимонлар ўзгарган муҳитга жуда яхши мослашади.[5]

Гидробионтларни ўзига хос озиқланиши сувни маҳсус аъзолари орқали ўтказиб озиқланшидир, фильтранган чиқинди ушоқ каби сиқилиб оғизга тушади шу орқали табиий муҳитни тоза сақлашда ва индикатор кўрсаткич сикатида ва қисқичбақаларни овқат топиш усули бўйича фаол фильтраторларга киритилади. Чунки бактериялар, микроскопик сув ўтлари, органик муаллақ сузуб юрувчи моддалар уларга озука бўлиб хизмат қиласиди. Қисқичбақаларнинг ўзи ҳам табиий сув ҳавзаси озиқа занжирида муҳим аҳамиятга эга, бундан ташқари кичик лабораторияларда кўпайтириш муҳим бўлган обект хисобланади, бу эса сунъий ҳавзаларнинг балиқлари учун айниқса личинкалик даврлари учун сифатли ва тўйимли озука хисобланади.[7] Энди кўпчилигимиз учун иқтисодий ва эстетик аҳамиятга эга балиқларни озиқлантириш учун тирик озука организмларни кўпайтириш усулларига кисман тўхтalamиз. Ҳозирда тирик организмлар табиий озукалари ичида муҳим кўрсаткич сифатида зоопланктон ва фитопланктондан фойдаланилади. Бизда табиий муҳитда чучук сувли ҳавзаларда парвариш қилиш обьекти сифатида планктон қисқичбақасимонлардан – циклоп, дафния, диаптомус, брахионус, моина артемиядан фойдаланилади.

## ХУЛОСА

Кўлда олиб борилган тадқиқотлар сувда мавжуд бўлган тирик организмларни шу жумладан, зоопланктон турларини аниқлашда илмий асос хисобланади. Зоопланктон – таркибида 40% оқсил саклайдиган табиий озука бўлиб, балиқ ва балиқ чавоқларини озиқлантиришда асосий манбаи хисобланади. Кўлда фитопланктонларнинг кўпайиши зоопланктон тур таркибининг ортишига, бу эса ўз навбатида оқсилга бой балиқ ва балиқчилик маҳсулотларини кўпайтириш мумкинлигини кўрсатади[6]. Шунинг учун ҳам бир балиқчилик хўжаликларда табиий озука захирасига эътиборни қаратибуларни кўпайтириш йўлларини қидириши керак. Бунингчун артемия салина, гаммарид, моллюска каби турларни интродукция қилиш мақсадга мувофик.

Бухоро давлат университети  
[xadjaeva2993@gmail.com](mailto:xadjaeva2993@gmail.com)

## Адабиётлар

- С.Д.Ниёзов “Бухоро воҳаси табиий сувликлари - ялов аквакультурасида садок усулида интенсив балиқ боқиши” бўйича методик тавсиялардан. Дурдана нашриёти Бухоро 2017. 36 б.
- Ю.Ю.Лурье “Аналитическая химия промышленных сточных вод” Москва “Химия”1984. 442 б.
- В.Р.Алексеев, В.Р.Алексеева, С.Я.Цалолихина“Определитель зоопланктона и зообентоса пресных вод Европейской России” Товарищество научных изданий КМК Москва – Санк –Петербург 2010.-495 с.
- Кузметов А.Р., Тошов X.М., Эсанов X.К. “Бухоро вилояти девхона кўлининг юксак сув ўсимликлари тур таркиби ва уларнинг аҳамияти” “Ўзбекистон аграр фани хабарномаси” 2019 №1(75). 6 б.
- И.М.Мираабдуллаев, А.Н.Абдурахимова , А.Р Кезметов, X.X Абдиназаров “Ўзбекистон эшкакоёкли

қисқичбақасимонлар (Сгустасеа, Сорепода) аниқлагиши” Университет. Тошкент. 2012. 78 б.

6. Эсанов Ҳ.Қ. Аслонова К.А., Файзуллаев Ш.С. Бухоро вилояти сув ҳавзаларида учрайдиган юксак сув ўсимликларининг ахамияти. Микроскопик сувётларини ва юксак сув ўсимликларини кўпайтириш, уларни халқ хўжалигида қўллаш. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2018. – Б. 83-86.

7. Ж.П.Эрхард, Ж.Сежен “Планктон” состав, экология, загрязнение Ленинград гидрометеоиздат 1984. 242 б.

**Ходжаева З. Ф., Тошов Ҳ.М., Шамсиев Н.А., Раупова М.Х.,**

**Гидробионты озера Девхона -как естественный источник кормовой базы**

В данной статье приведены данные о географическом расположении, высших видного составе, зоопланктона и распространении озера Девхона в Бухарской области. В результате исследований было установлено, что водного запасы озера составляют 765 млн. м<sup>3</sup>, средняя глубина 15-17 м, максимальная глубина 30-38 м.и.

**Ключевые слова:** коллектора, биоценоз, садок, гидробионт, высшие растения, рогоз, зоопланктон.

**Khodjayeva Z. F., Toshov H.M., Shamsiyev N.A., Raupova M.H.**

**Devkhona lake hydrobionts - as a natural food source**

In this article, information about the geographical location of the Devkhona Lake in Bukhara region, the composition of high water plants and zooplankton species. As a result of the study, it was determined that the lake's reserves are 765 million m<sup>3</sup> and the average depth is 15-17 m, the maximum depth is 30-38 m.

**Key words:** collector biocenosis, sadok, hydrobiont, high water plants, cattailzooplankton.

---

**УЎТ: 631.5, 631.8, 633.111**

**ХАЛИЛОВА Л.Н. НУРБЕКОВ А.И.**

**КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТУПЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Маколада, Самарқанд вилояти сугориладиган ерларида кузги буғдой янги навларининг экиш муддатларига боғлиқ ҳолда тупланиш даражаси, ҳосилдорлиги таҳлил қилинган. Кузги буғдойнинг Краснодар-99(st) Ҳазрати Бешир, Яксарт, ва Жасмина навларининг куз, қиш, баҳор даврларида тупланиш динамикасининг экиш муддатларига боғлиқ ҳолда куз-қиш, баҳор-ёз даврида пояларнинг ҳосил бўлиши, нобуд бўлиши баён қилинган ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари келтирилган. Краснодар 99 Яксарт, ва Жасмина навлари учун мақбул экиш муддатлари 1 октябр Ҳазрати Бешир нави учун 16 октябр эканлиги аниқланган.

**Калит сўзлар** кузги буғдой, тупланиши, ҳосилдорлик, янги навлар, экиш муддати.

**МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Кузги буғдой етиштиришда хар бир минтақаининг тупроқ-иклим шароитига мос ҳолда мақбул экиш муддатларини аниқлаш муҳим ахамиятга эга.

Сунгги йилларда мамлакатимизда об ҳавонинг ва иклим шароитининг кескин ўзгариши қишлоқ хўжалик экинларининг жумладан, буғдойдан сифатли ва юқори дон ҳосили олишни таъминлайдиган, кузги буғдойнинг янги навларини тупроқ-иклим шароитига мос ҳолда жойлаштириш, экиш муддатларини, уруғлар унувчалигини, ўсимликларни қишга чидамлиги, яшовчанилиги, ўсув даври, ҳосилдорлиги, ҳосил сифатини ўрганиш асосида нав агротехникасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

**ТАЖРИБА (ТАДҚИҚОТ) ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИЯТИ**

Тадқиқотлар Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида Самарқанд ветеринария

медицинаси институти ўкув-тажриба хўжалигида хамда ПСУЕАТИ Самарқанд илмий тажриба станциясида 2016-2019 йида амалга оширилган. Тадқиқот обекти сифатида Краснодарская-99, Яксарт, Жасмина ва Ҳазрати Бешир навлари олинган. Илмий-тадқиқот ишларида дала тажрибалари фенологик кузатувлар, «Бутунrossия ўсимлишунослик илмий-тадқиқот институти услуги», биометрик тахлиллар «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услуги» асосида, маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услугбий кўлланмаси бўйича амалга оширилган. Дала тажрибаларини кўйишда тажриба пайкалларини ўлчами 50 дан 100 м<sup>2</sup> гача 4 тақрорли қилиб ўтказилган.

**Тажриба (тадқиқот) натижалари ва уларнинг**